

International Finance and Accounting

Volume 2018 | Issue 4

Article 8

8-1-2018

THE ISSUES OF ACCOUNTING DEBITOR LOANS IN THE BALANCE SHEET

B. Hakimov

Tashkent Financial institute

R. Qodirov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Hakimov, B. and Qodirov, R. (2018) "THE ISSUES OF ACCOUNTING DEBITOR LOANS IN THE BALANCE SHEET," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 8.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Хакимов Б.Ж. – ТМИ, и.ф.н., доцент
Қодиров Р.Х. – ТМИ, и.ф.н., доцент**

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИДА ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИДАГИ МУАММОЛАР

Мақолада “Бухгалтерия баланси”да дебиторлик қарзларини номланиши ҳамда уларни акс эттириш тартиблари ҳақида фикр юритилган ҳамда бу борадаги камчиликлар кўрсатиб берилган. Дебиторлик қарзларини молиявий ҳисобот шаклида акс эттиришга оид аҳамиятли таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: Дебитор, олинадиган счёtlар, дебиторларни соф қиймати, жорий актив, бухгалтерия баланси, бухгалтерия баланси сатри, бухгалтерия баланси моддаси, молиявий ҳисобот, тижорат фаолияти, тижорат бўлмаган бошқа фаолият, инвестициявий муҳит.

В статье обсуждены название и представление дебиторской задолженности в бухгалтерском балансе, а так же показаны недостатки в нём. Выражено важное предложение по представлению дебиторской задолженности в соответствующей форме в финансовом отчете.

Ключевые слова: дебитор, счета к получению, чистая стоимость дебиторов, текущие активы, бухгалтерский баланс, строка бухгалтерского баланса, статья бухгалтерского баланса, финансовый отчет, коммерческая деятельность, некоммерческая деятельность, инвестиционная среда.

About titles and presentation of debtors (receivables) in balance sheet have been discussed in this article and shown mistakes in the matter. Considerable suggestions regarding to presentation of debtors (receivables) in the financial statement form have been expounded.

Key words: debtor, receivable, net value of debtors, current asset, balance sheet, code of balance sheet, item of balance sheet, financial statement, trade activity, nontradeactivity, investmentenvironment.

Кириш

Рақобатдош иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида инвесторлар ҳамда бошқа фойдаланувчилар учун муҳим бўлган зарур молиявий маълумотларни ўз вақтида тўғри шакллантириш ҳамда тақдим этиш улар билан ҳамкорликда ишлаш ва ривожланишини таъминловчи усткурмавий механизмлардан бири бўлиб ҳисобланади. Демак, мазкур тадбирларни давр талаблари асосида йўлга қўйилиши инвестицион муҳитни яхшилашда ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Таъкидлаш керакки, хўжалик юритувчи субъектга тегишли молиявий маълумотлар нафақат мазкур хўжаликнинг ўзи учун, балки маҳаллий ва ташқи инвесторлар учун ҳам ўта муҳимдир. Инвесторлар хўжалик юритувчи субъектнинг эълон қилган ёки тақдим этган молиявий маълумотларини ўрганиб, улар асосида тегишли бизнес қарорларини қабул қиласидилар. Ушбу

фикриимизга хўжалик фаолиятига оид жуда кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Республикамиз корхоналарида ташқи иқтисодий фаолиятни тобора ривожланиши, улардаги инвестицион жозибадорликни ошиб бориши, экспорт имкониятларни кенгайиши, хориждан илғор техника ва технологияларни сотиб олишни кўпайиши каби ижобий жараёнлар маҳаллий ҳамда хорижий ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро бизнес алоқаларини янада кучайтироқда. Бу ҳолат хорижий ҳамкорлардан миллий корхоналарни ҳар томонлама ўрганишни талаб этмоқда ёки аксинча. Демак, корхоналарда молиявий маълумотлар шакллантирилаётганда ҳамда тақдим этилаётганда нафақат ички ҳисоб тизимлари талаблари, балки бу борадаги хорижий талаблар ҳам эътиборга олиниши шарт экан. Мазкур ёндашув, барча фойдаланувчиларни корхона молиявий ҳолати билан танишиш ҳамда уни баҳолаш имкониятини бирдек юзага чиқаради. Ўрганилаётган объектга оид турли тушунмовчиликларни бартараф этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мақоладаги кўриб чиқилаётган масалага оид бир қатор хуқуқий-меъёрий ҳамда услубий адабиётлар ўрганилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлиниң чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойиллар ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда”, деб айтилган жумладаги қарашлар мавзу бўйича аниқ мақсадга қаратилган ҳаракат ҳамда муаммолар ечими учун асос қилиб олинди (1). Молиявий ҳисобот тузиш ҳамда уларда акс эттириладиган маълумотларнинг меъёрий-хуқуқий асослари ҳамда услублари амалдаги манбалар бўйича ўрганилди ва амалдаги мавжуд камчиликлар, ўзгартирилиши зарур бўлган ёки етишмайдиган жиҳатлар аниқ кўрсатиб берилди (2-; 3). Иқтисоди ривожланган мамлакатларда бу борада тўпланган тажрибаларни маъқул ҳамда барча учун тушунарли бўлган томонлари ўрганилди (4-; 5). Албатта, мавзуни ёритиш учун бир қатор маҳаллий ва хорижий адабиётлар кўриб чиқилди. Таъкидлаш керакки, улардаги қарашлар ва фикрларнинг ўхшашлиги ёки ўзаро мувофиқ келганлигини эътиборга олиб ушбу мақолада фақат энг асосий манбаларни келтириб ўтдик.

Тадқиқот методологияси, таҳлил ва натижалар

Мамлакатимиздаги амалда бўлган молиявий ҳисобот шаклларидағи ахборотлар асосан давлат органлари ҳамда ташкилотлари эҳтёжларига устун аҳамият берган ҳолда амалга оширилаётгани билан иқтисоди ривожланган ёки ўта тез ривожланаётган мамлакатлардаги худди шу каби усткурмавий механизмдан сезиларли фарқ қилувчи томонлари мавжудлигини намоён қилмоқда. Биз ушбу фикриимиз билан бу борада давлат манфаатлари эътиборга олинмаслиги керак деган қарашга бораётганимиз йўқ. Давлат манфаати ҳамда

эҳтиёжи ҳар доим ва ҳар вақт асосий ўринда туради. У ҳеч қачон ўз юксак аҳамиятини йўқотмайди.

Жаҳон бозорларига олиб чиқилган маҳсулотларининг турини ва ҳажмини кўплиги ҳамда савдо ҳажми бўйича катта салмоқ эгаллаган мамлакатларнинг корхоналари тақдим этаётган молиявий ҳисботларни мазмуни кўриб чиқилса, уларда, аввало, турли ахборотдан фойдаланувчилар эҳтиёжларига етарлича эътибор берилганини кўриш мумкин. Бу ердаги асосий жиҳатлардан бири инвесторлар ёки шу каби ҳамкорларни қизиқтирадиган ҳамда улар учун зарур бўлган маълумотларни кераклича тақдим этилиши деб билса бўлади. Таъкидлаш керакки, ушбу йўналишдаги молиявий ҳисботларда давлат органи ҳамда ташкилотларининг маълумотга бўлган эҳтиёжларига етарлича эътибор қаратилмас эканда, деган тушунча келиб чиқмаслиги керак. Уларда бу жиҳат ҳам жуда яхши ишлаб чиқилган. Ривожланган ёки ўта тез ривожланаётган давлатлардаги корхоналар молиявий ҳисботларида, аввало инвесторлар ҳамда ахборотлардан бошқа фойдаланувчилар, айнан шу ўринда давлат органлари ҳамда ташкилотларини (солик, акционерлар ёки бошқа инвесторлар манфаатини ҳимоя қилувчи ёки компанияларнинг қонун доирасидаги фаолиятини бевосита назорат қилувчи каби) молиявий ахборотларга бўлган эҳтиёжларига ҳам эътибор берилган.

Биз хорижий мамлакатлардаги илғор тажрибаларнинг ижобий жиҳатларини ижодий ўрганган ҳолда ҳамда ҳозирги даврда мамлакатимизда ҳамда глобаллашув натижасида бўлаётган ўзгаришларнинг йўналишларидан келиб чиқиб молиявий ҳисботларни давр талаб қилаётган ҳамда миллий манфаатларга мувофиқ келадиган мазмунда шакллантириш мақсадида – молиявий ҳисботни улардаги ахборотдан асосий фойдаланувчилар, ҳам инвесторлар (шу тавсифдаги бошқа ҳамкорлар), ҳам давлат органлари ва ташкилотлари манфаатларини етарлича эътиборга олиш тамойили асосида ишлаб чиқиш йўлини маъқуллаймиз. Худди мана шундай қарашлар ва уларга асос бўлувчи манбалар ушбу тадқиқотнинг методологияси бўлиб ҳисбланади.

Шу жойда айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда амалда бўлган корхоналар молиявий ҳисботи маълумотларни шакллантиришда, баҳолашда ва тақдим этишда бир қатор жиддий камчиликлар мавжуд. Албатта, камчиликларни барчасини кўрсатиб, улар тўғрисида муносабат билдиришни бир мақола доирасида амалга ошириш имконияти йўқ. Шу сабабли, фикримизни молиявий ҳисботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган “Дебиторлар” номли моддани баҳолаш мисолида тушунтириб берамиз (2). Ушбу қайд этилган ҳужжат таркибида корхонанинг жорий дебиторлик қарзлари куйидагича акс эттирилади:

Жадвал

**Молиявий ҳисбетнинг 1-сон “Бухгалтерия баланси”
шаклидан кўчирма (2)**

Кўрсаткичларноми	Сатр ра- қами	Ҳисбет даврибо шига	Ҳисбет давриох ирига
1	2	3	4
АКТИВ			
.....			
Дебиторлар, жами (220+240+250+260+270+280+290+300+310 сатрлар)	210		
Шулардан: муддати ўтгани (кечикирилганлари)	211		
Харидорлар вабуортмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нингайирмаси)	220		
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110)	230		
Шўйбавакарм хўжалик жамиятларининг қарзлари (4120)	240		
Ходимлар габерилган бўнаклар (4200)	250		
Молетказиб берувчилар валудратчила габерилган бўнаклар (4300)	260		
Бюджетга солиқлар вайиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270		
Максадли давлат жамғармаларива суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310		
.....			

Аввало, муҳокамани жадвалда келтирилган “Бухгалтерия баланси”нинг 210 сатрида жойлашган активларни “Дебиторлар” деб номланган моддани акс эттириш тартибидан бошласак. Бухгалтерия балансида ушбу модда соф қийматида (Net value) баҳоланиб кўрсатилган. Бу тўғри тартиб. Бироқ, 210 сатрга эътибор берилса “Дебиторлар” қандай қийматда ифодаланганлигини билиш қийин. Чунки, ушбу моддани номланиши ва қайд этилишида қандай қийматда баҳоланганлиги кўрсатилмаган. Албатта, миллий мутахассисларимиз учун мазкур масала ҳеч қандай муаммога сабаб бўлмайди. Лекин, маълумотдан фойдаланувчи хорижлик учун мазкур моддадаги ноаниқлик тушунмовчиликни келтириб чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Хорижлик ҳамкорлар мазкур ҳолатни тўлиқ тушуниши учун бу борада, ё кўшимча тарзда ўқиб-ўрганади ёки миллий мутахассислардан маслаҳат олади. Эътибор берилса юқоридаги камчилик бухгалтерия балансини ўқиш ва тушунишда муракқабликни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда. Халқаро тажрибалардан маълумки, бухгалтерия балансида активлар соф қийматда кўрсатилса, албатта, тегишли модда тўғрисига соф қийматда (Net, net value) деб қайд этилади. Ушбу тартиб тегишли

моддани қандай қийматда акс эттирилганини аниқ ифодалаб туради. Яъни, ахборотдан фойдаланувчи учун ҳеч қандай мураккаблик туғдирмайди.

Фикримизча, амалдаги “Бухгалтерия баланси”нинг 210 сатрида жойлашган “Дебиторлар” моддасини қуидагича акс эттириш мақсадга мувофиқдир - “Олинадиган счёtlар, соф қийматда” (Receivables, net). Бундай ёндашув мазкур моддани халқаро ва миллий ҳисоб тизимида бир хил тушуниш имконини беради. Дебиторларни соф қийматда ифодалаш, бухгалтерия баланси таркибидаги айрим дебиторларга тегишли ортиқча моддаларни камайтириб кўрсатишга ҳам олиб келади. Мисол учун, амалдаги “Шулардан: муддати ўтгани (кечиктирилганлари)” 211 сатр моддасини акс эттиришга эҳтиёж қолмайди. Демак, ортиқча сатр олиб ташланади.

Яна бир муаммо. Жадвалдаги 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)” моддасида намоён бўлади. “4000 дан 4900 нинг айирмаси” жумласига эътибор беринг.

Тўғри, миллий ҳисоб тизимимиздаги “Молиявий ҳисбот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар”да ““Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи” моддаси бўйича (220-сатр) буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади, бунда шубҳали қарзлар бўйича резерв чегирилади” деб кўрсатма берилган (2). 220-сатрдаги “4000 дан 4900 нинг айирмаси” жумласи мазмуни қоидадаги кўрсатмани ифодаси тарзида ёзилмоқда. Лекин, “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи” моддасини (220-сатр) бундай тарзда ифодалаш мураккаб тавсиф касб этмоқда.

Фикримизча, молиявий ҳисботда маълумотларни акс эттириш ҳамда тақдим этишнинг халқаро тажрибаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланган ҳолда республикамиз ҳисоб тизимида амалдаги молиявий ҳисботнинг 1-сон шакли “Бухгалтерия баланси”нинг “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган 220 сатр “Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси)” деб номланган моддани “Харидорлардан олинадиган счёtlар, соф қийматда” (Trade receivable, net) ёки “Харидорлардан олинадиган счёtlар, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси “сумма” айрилган ҳолда” (Trade receivabls, less allowance for doubtful accounts of “summa”) деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқдир. Таклиф этилаётган икки номланиш ҳам модда мазмунини тўғри ва содда тарзда ифодалайди ҳамда барчага бирдай тушунарли бўлади.

Шу жойда таъкидлаш керакки, корхонани олишга тегишли маблағларни молиявий ҳисбот шаклида акс эттириш бўйича миллий ҳисоб тизимимизда жуда кўп жиддий муаммоли масалалар мавжуд. Мисол учун, жадвалдаги “Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)” 290-сатр моддасини олишга тегишли маблағлар таркибида акс эттириш. Албатта, мазкур тартиб бир қарашда тўғрига ўхшайди. Лекин, бу борада халқаро амалиётда қандай қарашлар мавжудлигини ҳам бир кўриб чиқиш керак.

Таъкидлаш керакки, мазкур масалага тегишли муаммоларни ҳамда улар борасидаги ечимларни бир мақола доирасида баён қилишнинг имкони йўқ. Шу

сабабли бу борадаги қарашлар ва таклифларимизни келгуси мақолаларимизда ёритиб борамиз деб умид қиласиз.

Таклиф ва хулоса

Юқорида баён этилган таклифлар корхоналаримиздаги молиявий ҳисоботнинг “Бухгалтерия баланси” шаклидаги “Жорий активлар” бўлимида акс эттириладиган “Дебиторлар” га тегишли моддаларни МХХС ҳамда ривожланган мамлакатлардаги бу борадаги илгор тажрибалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилди. Таклифлардаги дебиторларга тегишли айрим моддаларини янги тартибда тақдим этилиши миллий ҳисоб тизимидағи тушунчаларни умум қабул қилинган даражаларга олиб чиқишини таъминлайди. Бу эса иқтисодиётда интеграциялашув жараёнини қучайишида фоят муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтиб ўтиш керакки, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун корхоналарни ўрганишда асосий манбалардан бири бўлган молиявий ҳисобот шаклларидағи маълумотлар ва ахборотларни халқаро тажрибалар ва умум қабул қилинган талаблар асосида эълон қилиниши ҳамкорлар билан бир хил тушунчалар асосида фикрлаш, бир-бирларини муаммосиз тўғри тушуниш ҳамда ўзаро мулоқотларга киришиш жараёнини осонлаштириш ҳамда тезлаштириш учун ўта муҳимдир. Бу эса, мамлакатимиздаги инвестицион муҳитни янада яхшилашдаги долзарб тадбирлардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли илова: “Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар”

3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”

4. Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley& Sons, USA. 2004. 1332p.

5. Prasanna Chandra. Financial Management/ Theory and Practice. Tata McGraw Hill Education Private Limited, NEW DELHI. 2012. 1062p.